

**Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги,
Ўзбекистон давлат консерваторияси «Муסיқий шарқшунослик»
кафедраси «Мақом асослари» фанидан**

Курс иши

Мавзу: “Отажон Худойшукуров ва унинг мақом ижрочилиги”

Бажарди: “Шарқ муסיқаси” факультети

талабаси Ғаниев Жасурбек

Илмий раҳбар: ЎзДК профессори

Зокир Орипов

ТОШКЕНТ 2016

Режа:

1. Кириш
2. Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркменистон халқ артисти Ортиқ Отажонов Отажон Худойшукуров ҳақида ўз дил сўзлари.
3. Отажон Худойшукуров ҳақида Ўзбекистон ҳизмат кўрсатган маданият ходими Матрасул Матёқубовнинг хотиралари
4. Отажон Худойшукуров ва унинг мақом ижрочилиги.

Кириш

Халқ орасида «Оллоҳ томонидан хушсадо гўзал овоз ато этилган киши ярим подшоҳдур» деган ҳикмат бор. Отажон Худойшукуров ана шундай неъматдан баҳраманд бўлган инсонлардан бўлиб, ҳозир у орамизда бўлганида етмиш икки ёшда бўлар эди. Яъни, Отажон Худойшукуров 1944 йил, 4 октябрда Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл туманида таваллуд топган. Ёшлигидан санъатга иштиёқи баланд, радио, телевидениядан, тўй ёки ҳашамларда бирон–бир қўшиқни эшитса шу заҳоти ёдлаб олиш қобилиятига эга эди. Ёш Отажоннинг зеҳни ўткир, иқтидорли ва нафисликка лиммо–лим қалб эгаси эканлиги сезилиб турар эди.

Унинг овоз имконияти болалигиданоқ юксак даражада ривожланган, пастки пардадан энг юқори авж пардасигача икки октавадан ортиқ товуш кўламини ўз ичига олган, қайси пардада хониш қилмасин барчасида бирдек товуш жарангдорлигига эришган, гўзал тембрили, лирик тенор овозга эга эди. Аммо ато этилган бу иноятни асраб-авайлаш, томоқнинг пай мушакларини тарбиялаш, равон ва қувватли нафас ила ривожлантириш, уни тўғри қўллай билиш, юрак дардини, қалб туғенини бундай буюк неъмат воситаси билан машаққатли меҳнат орқали, юксак санъат даражасида юзага чиқариш ва барчани ундан баҳраманд қилиш ҳар кимни ҳам қўлидан келавермайди.

Отажон ака ана шундай тиним билмас, қалби дарё, меҳри уммон, халқнинг эрка ва танти, бандаларидан бири эди десак хато қилмаймиз. Бундай фазилатлар аввало табиатан ато этилган бўлиб, қолаверса ўзининг тенгдош дўстлари орасида бўладиган ўтиришлар, зиёфатлар, базмлар ва давраларда шаклланган. Айниқса бунда амакиси ва дастлабки устози Йўлдош Оллошукуров, Исҳоқ Катаев, Назир қори, Жуманазар Бекчонов, Комилжон Отаниёзов ва қолаверса ансамблдаги сафдошларининг роли катта.

У ўз ижодий фаолияти давомида уч юздан ортиқ қўшиқ яратган. Отажон Худойшукуров ашулаларининг парда тизими ўзига хос бўлиб ҳар доим бетакрорликка интилиб келган ва Комилжон Отаниёзов мактабининг бошқа намояндаларининг яратган асарларидан ажралиб туради. Бунинг сабаби Отажон ака кўпроқ манғитлик Назир қори ва Жуманазар Бекчонов каби устозларга нисбатан катта меҳр қўйган ва ҳурмати баланд эди. Уларнинг ижодий йўли дoston куйлари асосидаги яратувчилик билан чамбар-час боғлиқдир. Айниқса дostonлардаги вазн, парда, усул хусусиятларини ўз ижодларида қўллаш, завқи келган пайтда торни юқори

пардаларга созлаб ашула айтиш, улар билан тез-тез мулоқотда бўлиш, хабар олиш Отажон акага хос хусусият эди. Шунинг учун ҳам у ўз ижодида номлари келтирилган устозларга эргашган ҳолда ашула ва қўшиқлар яратишга интилан. Отажон аканинг бундай ашулалари жуда кўп бўлиб, ҳар бири ҳақида катта-катта мақолалар ёзиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам ўзаги халқ оҳангларининг чуқур илдизларидан баҳра олиб яратилган асар тингловчи ва шинавандаларни юрагига етиб боради, қалб тўридан жой олади ва умри боқийлик касб этади.

Отажон яратган асарлар бир-биридан гўзал, бир-биридан мафтункор. Уни ҳар бир асари ҳақида жуда кўп мулоҳаза юритиш ва фикрлар айтиш мумкин. Отажон ака яратган асарларининг муҳим томонларидан бири уларнинг авжлари баландлиги, барча хонандалар ҳам ижро эта олмаслиги ва самимийлигидадир.

Эл эъзозлаган санъаткор ўз халқининг хотирасидан умрбод ўчмайди. Унинг жўшқинлиги мисоли Жайхундек бетакрор ижрочилик санъати, қолдирган мероси, замон ва макон сарҳадларидан умр қарвони мулкида тингловчиларининг руҳиятига озуқа ва қувват бағишлаб, ёш ижодкорларни илҳомлантириб, авлоддан-авлодга ўтиб боражак.

Унинг Хоразм сурнай йўллари асосида яратилган Шавкатий сўзи билан «Айладинг» ёки сурнай Лазгиси асосида халқ термалари билан бошланувчи «Отажонни Лазгиси» деб ном олган лазги, энг авжи баланд, жўшқин, завқли лазги сифатида тан олинган ва ҳозирги даврда ҳам севиб ижро қилинмоқда.

Отажон Худойшукуров қисқа эллик йиллик умри давомида концертларда, гастролларда ва эл хизматида камарбаста бўлиб, умрининг ҳар лаҳзасидан унумли фойдаланди. Яъни 300 га яқин қўшиққа куй басталади ва ўзи ижро этди. Бундан ташқари мумтоз ашулаларни маромига етказиб куйлади. Ўзбек санъатини яқин ва узоқ хорижда тарғибот қилди.

Отажон Худойшукуров Ўзбекистон, Туркманистон, Татаристон, Қорақалпоғистон ва Бошқирдистон халқ артисти. Бу унвонлар хонандага бежиз берилмаган, айтиб ўтилган халқлар тилида бетакрор ашулаларни ижро этган.



Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркманистон халқ артисти Ортиқ Отажоновнинг Отажон Худойшукуров ҳақида ўз дил сўзлари

Отажон Худойшукуров билан 1965 йили Урганч шаҳрида Отабой таксичини тўйида учрашиб қолдим. Ўша пайтда мен М.Харратов номидаги Урганч мусика билим юртининг учинчи курсида ўқиб юрган вақтларим эди. Тўйга улар шоир Ошиқ Эркин – Эркин Мадрахимов ва телеоператор Ғани Дўсжоновлар билан келишди. Бу ижодий гуруҳ Хоразм телевиденияси учун Отажон ҳақида «Қўш соҳил булбули» деган кўрсатув тайёрлаётган экан. Тўйда биз тонггача ашула айтдик. Бу ердаги тингловчилар ва шинавандалар биздан «дийралишма» қилишимизни ва бир-биримизга рақиб сифатида қайси биримизнингдир енгиб чиқишимизни кутишди. Аммо бундай бўлмади. Чунки Отажоннинг камтарлиги, самимийлиги, оддийлиги шу даражада эдики, у на сўз, на соз ва на овоз томонлама ўзини устун қўйишга интилмади. Биз шундан кейн кадрдон дўст бўлиб қолдик.

Мен Отажон ижодини олдиндан кузатиб юардим. Унинг дастлабки ижро қилган «Яшнайвер Қорақалпоғистоним», Ҳабибий сўзига «Келдик», Гўрўғли достонидан «Айирди», Ошиқ Ғариб ва Шохсанам достонидан

«Галар салона - саллона», Нажаб Ўғлон достонидан «Кимни севар ёрисан» ва бошқа кўшиқлари оммавийлашиб кетган эди.

Отажон “Оташий” таҳаллуси билан шеърлар ёзишга ҳам ҳаракат қилди ва «Изҳорлар» деб номланган кўшиғининг сўзи ва унга басталаган гўзал куйи ёрқин, дилтортар ашула сифатида қалбларга муҳрланди.

Биз бир-биримизни ижодимиздан ҳам жуда кўп маротаба илҳомланганмиз. Мулла Нафас сўзи билан айтиладиган «Ёдимга тушди» кўшиғини Отажон юқори авжлари ва юксак бир кўтаринкилик билан айтарди. Кейин менга бу ашула ёқиб қолди ва ўзимга мослаб ижро этдим. Бу ижро унга ҳам маъқул тушди. Шунингдек, Сафо Очил сўзига «Шайдо денглар» кўшиғини яратиш арафасида хомаки намунасини унга айтиб бердим. Шунда Отажонга шеър сўзи жуда таъсир қилди ва бир ойдан кейин Хоразмда пахта байрами тантаналарида Маткарим Ҳофиз Бобожонов томонидан айтилган «Ўртар» кўшиғининг куйига «Шайдо денглар»ни қойилмақом қилиб айтгани менга жуда маъқул бўлди.

Мени энг қойил қолдирган тарафи Отажон ўз ижодидан ҳеч қачон қоникмасди. Айниқса бизни уйга келганида Ҳожихон Болтаев, Комилжон Отаниёзов каби устозлар ижро этган мумтоз куй ва ашулаларни магнит ёзувлардан тинглаганимизда чуқур хўрсиниб:- «Эҳ ! бу устозларни эшитгандан кейин мен ашула айтишга ҳам ор қиламан» деб хитоб қилганини неча бор кузатганман.

Отажон бировни кўнглини олиш ва хизматини қилиш учун ҳеч қачон ўзини аямасди. Унинг уйқусиз, ҳорғин, эл-юрт хизматида юрганини жуда кўп кўрганман. Бундай юк остида ишлаш ва яшаш, ўзини аямаслик унинг соғлиғига ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Дастлаб овозидаги тембр хусусиятига путур ета бошлади. Кейин томоқ пайларида ўсимта пайдо бўлиб жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Бунинг натижасида қисқа вақтга бўлса ҳам тушқунликка тушди ва қанд касаллигининг асоратлари сезила бошлади ва охири юрак хуружи натижасида 1994 йилнинг 22 декабрида энг қадрдон дўстимиздан айрилдик.

Мана шунча йиллар сувдек оқиб ўтди аммо Отажон ёди, унинг хотираси ҳамон қалбимизда. Унинг номига кўчалар қўйилди, боғлар барпо этилди. Отажон Худойшукуров номида халқаро хайрия жамғарма ташкил қилинди. Айниқса ҳар икки йилда бир маротаба шу номда фестивал ва унинг доирасида танлов ўтказилаётганлиги ёшлар орасидан Отажон ижодига меҳр қўйган фарзандларимиз ниҳоятда кўп эканлигини намоён этмоқда. Буларнинг ҳаммасига бош-қош бўлаётган аввалам бор ҳукуматимиз раҳбарлари ва қолаверса Эллиққалъа туман ҳокимлигига мени миннатдорчилигим чексиз.

(25 май Ортиқ Отажоновнинг уйида ёзиб олинди)

Отажон Худойшукуров ҳақида Ўзбекистон хизмат кўрсатган маданият ходими Матрасул Матёқубовнинг хотиралари

Инсон ҳаётида шундай паллалар бўладики, булар унинг бутун умри давомидаги фаолиятига таъсир кўрсатади. Менинг ҳаётимда ва ижодий фаолиятимда ўчмас из қолдирган даврлардан бири Устозимиз, Ўзбекистон, Қорақалпоғистон, Туркменистон, Татаристон, Бошқирдистон халқ артисти, давлат мукофотининг лауреати Отажон Худойшукуров ансамблида ўн беш йилдан ортиқ қўшнайда унинг ашулаларига жўрнавозлик қилганим, устознинг ўзини таъбири билан айтганда “ҳамнафас” бўлганлигимдан анча хотиралар эсимда қолган.

1980 йили Тожикистонда Ўзбекистон санъати ўн кунлиги ўтказилди. Мен бу тадбирга Ўзбекистон халқ артисти Ортиқ ака Отажонов гуруҳида созанда сифатида борган эдим. Отажон ака билан биринчи танишувим шу тарзда Душанбе шаҳрида бўлди. Шу танишувни ўзим кўпдан бери орзу қилиб юрардим.

Иккинчи кўришишимиз 1981 йили консерваторияда талаба бўлишим билан биргаликда Тошкент театр ва рассомлик институти анъанавий хонандалик кафедрасида ўқитувчилик қилаётган вақтимда Отажон аканинг аккордиончиси Раҳимбой Отахонов келиб мени Отажон ака сўраётганини айтди. Мен борганимда Отажон ака жуда яхши кутиб олди. Шу куни Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган тўйда бирга хизматда бўлдик. Ўзим ҳам ёшлигимдан Отажон ака ашулаларининг шинавандаси бўлганлигимдан ҳамда унинг қўшиқларини ўзимча куйлаб юрганлигимдан шу куни қўшнайда завқ-шавқ билан жуда берилиб устозга жўр бўлдим. Эртасига Қарши шаҳрида бўладиган тўйга ҳам олиб кетдилар. Ана шундан кейин биргаликдаги ижодий фаолиятимиз бошланди.

1982 йилда Отажон ака Тошкент театр рассомлик санъати институтини мен эса консерваторияни бир вақтда тамомладик. Менга аспирантура-стажерлик босқичида ўқишга йўлланма беришди. Мен ўқишни давом қилдиришни истамасдим. Шунда Отажон ака албатта ўқишим кераклигини ва мен ўқишни давом қилдирсам ҳар қандай ёрдам зарур бўлса тайёр эканлигини айтиб, бундай имконият ҳамма вақт ҳам бўлавермаслигини уқтириб, ҳатто ўқишни давом қилдирмасам ёнида қўшнайд чалдирмаслик шартини ҳам қўйди. Бу устозни узоқни кўра билиш башорати эди. Худога шукур, мана ҳозир устоз маслаҳатлари мевасини тотмоқдаман.

Ўша йили мен армия сафига чақирилдим. Ички ишлар қўшинлари қошида Икромжон Бўронов раҳбарлигидаги ансамблда хизмат қила бошладим. Ҳарбий хизмат давомида ҳам Отажон ака ҳарбий қисмга костюм-шимлар олиб келиб, ҳарбий кийимларимни алмаштиргизиб, мени тўйларга олиб кетар эдилар. Тўйдан кейин эса уларнинг Қорақамиш 2/4 мавзесидаги 2

хонали уйларида қорнимизни тўйғазиб кийимларни яна қайтадан ҳарбийчасига алмаштириб, тонг сахарда шахсан ўзлари қисмимизга олиб келиб, хизматдош дўстларимга ош қилиб беришимни тайинлаб, ёнидаги бошқа созандаларга қараганда кўпроқ пул бериб кетар эдилар.

1984 йили ҳарбий хизматни тугатиб уйга қайтганимдан кейин Отажон ака “битта яқин дўстингни олиб Тўрткўлдаги уйга меҳмонга кел” деб таклиф қилиб кетдилар. Ёшликдаги дўстим, ҳозирда Ўзбекистон халқ ҳофизи Фарход Давлетов кўпдан буён Отажон ака билан таништиришимни илтимос қилиб юрган эди. Фарходни олиб Тўрткўлга Отажон акани уйига бордик. Ҳовлисига кириб остонадан қадам қўйишимиз билан Отажон ака “Матрасул битта дуо қил” дедилар Мен нимага десам –“Сени келишинг муносабати билан қадамингга қўй сўйишни ният қилган эдим”, дедилар. Мен бунақанги дабдабани кераги йўқлигини айтсам, Отажон ака “Сен дўстинг билан кўп есанг икки ёки уч кило гўшт ерсан. Аммо сен Отажон ака мени армиядан қайтиш шарафимга қўй сўйган деб фахрланиб юрасан” деган эдилар. Ҳақиқатан орадан чорак асрдан кўпроқ вақт ўтган бўлса ҳам ўша воқеани миннатдорчилик ва ифтихор билан эслаб юраман.

Ҳаётимда қиладиган ҳар бир ишимни устоз билан маслаҳатлашиб қилар эдим. Аспирантура-стажировкани сиртдан ўқиб, Хивадаги мусиқа мактабида ишламоқчи бўлганлигимни айтганимда, У “йўқ, Хивадан Урганчга катнаб Матюсуф Харратов номидаги мусиқа билим юртида ишлайсан, чунки санъатинг ва касбингни ёшлар ўрганиши керак. Бу соҳада мактаб яратишинг зарур” деб, мени эзгуликка даъват этдилар.

1984 йилда аккордиончи Рахимбой ака Отахонов устозни ёнида мазкур чолғуда жўрнавозлик қилиш учун Шавкат Содиқовни олиб келиб, ўзи Тошкентда доимий яшаб қолиши сабабли Отажон ака билан ҳамкорлик қила олмаслигини айтиб узр сўради. Шу йиллари ансамблимизга доирада Бахтиёр Бобожонов ҳам қўшилди. Бу ансамблимиз устозга ниҳоятда маъқул бўлди. Ҳатто Отажон ака “ўзимни янги кучли қанот чиқарган бақувват кушдай сезаяпман” деганларини гувоҳи бўлганман.

Устоз баъзан жуда теша тегмаган ҳазилларни ҳам қилар эдилар. 1985 йили Нукус шаҳрида икки кун концерт қўйиб Хивага қайтадиган бўлиб турганимизда Отажон ака менга совға бермоқчилигини айтдилар ва чиройли француз оқ “Балонка” кучугини ҳадя қила туриб, кулиб, “нима бўлгандаям буни йўқотма”, дедилар. Кучукни уйга олиб келганимда уйдагилар ҳайратланиб, бу кўғирчоқми ёки тирик кучукми деб ҳайрон бўлдилар. Мен ишлар билан бўлиб, уч-тўрт кун кучукдан хабар ололмадим. Кучук қалай, деб уйдагилардан сўрасам? “Бу кучукни ёмон одати бор экан. Кир жойларда юриб келиб, бутун кир-чирларини уйни тўридаги ўзидай оқ туки ўскин гиламларга артинар экан” деб жавоб беришди. Аслида устоз жониворларни жуда яхши кўрар, ўша кучукни ҳам Тошкентдан сотиб олиб, уни одатларини билмасдан, Худойшукурова Бимка деб паспорт ҳам олган эканлар. Бимкани

мени уйимдаги қилиқларини Отажон акага айтиб берганимдан кейин, энди нима учун Бимкани сенга совға қилганимни ва нима бўлгандаям кучукни йўқотма деганимни маъносини тушундингми деб роса қотиб-қотиб кулдилар.

Халқ хизматларидан бўш пайтларимизда Амударё ўзанига балиқ овига чиқар эдик. Бундай сайиллар балиқ ейиш учун эмас, кўпроқ шовқин-сурондан қочиб тинч дам олиш учун қилинарни. Отажон ака балиқ тутиш учун қармоқ ташлаб агар балиқ илинса, балиқни жонини оғритмаслик учун қармоқ бойланган жойидан ипни кесиб, балиқни оғзидан қармоқни ҳам олмасдан уни яна сувга ташлаб юборар эдилар.

1985 йилда Урганч шаҳридаги Ниёзмат ота Матчоновнинг (уни оллоҳ ўз раҳматига олган бўлсин) юбилей тўйларида икки кун ётиб хизмат қилдик. Мени бу хонадонга илк бора келишим эди. Юбилей тўйи жуда мароқли ва ибратли ўтди. Мен устоздан нимага бу хонадонга ихлосингиз жуда баланд ва икки кун ётиб хизмат қилдик деб сўрадим. Шунда Отажон акам шундай жавоб берганлар:- “Матрасул, ҳар бир хонанда ёки созанданинг обрўли, ақилли, бадавлат хомийси, шинавандаси бўлса у санъаткор тезда кўзга кўринади, униб-ўсади ва ишлари яхши юришади. Ана шундай бизга ихлос қўйган шинавандаларимиздан бири Ниёзмат ота бўлади. Шунинг учун ҳам унинг хизматини астойдил қилишимиз керак” дедилар.

Шу йили куз мавсумида Ниёзмат ота Отажон акани Тошкент шаҳрига тўйга олиб боради. Тўйхонага кириб санъаткорлар давра ўртасида қўйилган сўрига жойлашишади. Ниёзмат ота ҳам улар билан бирга ўтиради ва тўй бошланиб созандалар ўртага тушиб хизмат қилаётган пайтда ҳам жойини ўзгартирмайди. Созандалар икки-уч марта ўртага тушиб давра айлангандан кейин тўйхонага йиғилган йигитлардан бири Ниёзмат отани Отажон аканинг устози деб тушуниб, устоз сиздан ҳам битта эшитайлик, деб Ниёзмат отани даврага тортармиш. Ахир мен санъаткор эмасман деса ҳам ҳоли-жонига қўймасдан яна қисталанг қилармиш. Охири Ниёзмат ота бошқа жойга ўтиб ўтириб қутулгани ва тинчиганини кула-кула гапириб берган эдилар.

1987 йили Юнус Ражабий номидаги мақом ижрочилари II- Республика кўрик-танловига мен қўшнай, сурнай ва буломон чолғулари бўйича қатнашдим. Ушбу танловда Отажон ака ҳайъат аъзоси таркибида эдилар. Мен қўшнайда “Таснифи Дугоҳ”ни чалаётган пайтимда ҳайъат аъзоси Абдуҳошим Исмоилов сакраб қарсак чалиб юборди. Шунда Отажон ака ҳайрон бўлиб, “Абдуҳошим сизни бир нима чакдими ?” деса ҳа мени қўшнаини ноласи чакди деган. Бунинг менга кейин Отажон акани ўзлари гапириб берган эдилар. Шунингдек, шу танловда мени биринчи даражали дипломга лойиқ деб топилганимни ҳам Отажон ака худди ўзи ғолиб бўлгандай “ҳақиқий меҳнатинг жойига тушди, табриклайман!” деб биринчи бўлиб қутлаган эдилар.

Танлов тугаши билан Самарқандда бўлиб ўтадиган мусикашуносларнинг III-Халқаро симпозиумига бордик. Бу ўша пайтда жуда

катта анжуман эди. У ерда Отажон ака Она Суворани савтиси билан ижро этди ва олқишларга сазовор бўлди. Мен Хоразм Дугоҳ мақомидан “Пешрав”ни якка қўшнайда чалишим керак эди. Халқаро сахна бўлганиданми, ёки кино-телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситалари кўплигиданми мени кучли ҳаяжон босди. Бунни сезган Отажон ака “Ҳозир сахнага чиқиб ҳеч нарсани ўйламасдан, худди менга куй чалиб бераётгандай, фақат менга қараб ижро қиласан” дедилар. Мен бутун ижро жараёнида Отажон акага қараб чалдим. Куйни тамомлаб сахнадан чиқаётсам Отажон ака олдимга югуриб чиқиб, “орқанга қайт, “хизмат ҳаққингни” қарсақларни қабул қилиб ол! Деб мени қайтардилар ва мен яна қайтиб таъзим қилиб чикдим. Устоз ҳам мени қизғин табрикладилар.

Симпозиум пайтида Отажон ака чет элдан келганларни меҳмон қилмоқчи эканлигини билдирдилар. Бунни эшитиб Самарқандлик ашулачи шогирдларидан Эркинбой ўз уйида меҳмондорчилик қилмоқчи бўлди. Барча тайёргарликни қилиб Эрон, Афғонистон ва бошқа чет эллик меҳмонларни олиб келишга борсак, уларни олиб кетиш учун рухсат беришмади. У пайтда рухсатни Москвадан олиш керак экан. Руҳимиз тушиб қайтиб келиб ўтирсак, бир пайт Отажон ака меҳмонларни ўзи бошлаб, рухсат бериши керак бўлган одамлар билан биргаликда кириб келдилар ва жуда зўр зиёфат уюштирилди.

Отажон аканинг ажойиб хислатларидан яна бири, ҳар сафар Тошкентга концерт беришга келганларида ўз костюмлари рангидан бир парча бериб, шу рангда костюм-шим ва туфли сотиб олингшлар деб, менга, аккордиончи Шавкат ва Гофуржонларга пул берар эдилар. Шу сабаб беш-олтита костюмларимиз бир хил бўлиб, концертларда бутун ансамбл бир хил кийимда чиқар эдик.

Шу йили мени Тошкент шаҳрига кўрик-танлов учун чақириб қолишди. Отажон ака менга икки кунга рухсат берган эди. Чунки икки кундан кейин Комилжон Отаниёзовнинг 80 йиллик хотира юбилейида тўртта ашула билан чиқишимиз керак эди. Мен Тошкентда турли сабаблар билан бир ҳафта қолиб кетдим. Ўша концертда Отажон ака мени ёнида бўлишимни жуда кутган эканлар. Мендан қаттиқ хафа бўлдилар. Унинг хафа бўлгандаги одати худди футболдагидек, “қизил карточка” кўрсатиш эди. Менга қизил карточка кўрсатдилар. Бу дегани мени бешта тўйдан озод қилдилар. Беш тўй ўтгандан кейин яна олдингидай ҳамма нарса жойига тушиб кетди.

Отажон ака футболни жуда яхши кўрганлигидан Биродар Абдурахимов билан қалин дўст эдилар. Тошкентга келсалар албатта кўришиб суҳбатлашиб, мабодо футбол мусобақаси бўлса уни стадионга бориб томоша қилар эдилар. 1988 йили футбол бўйича жаҳон чемпионати бўлиб ўтаётган пайтда финалга Франция ва Бразилия чиққан эди. Шу ўйин бўладиган куни биз Қорақалпоғистонни Қиличбой овулида тўйда эдик. Тўйни тугатишимиз билан ўйин бошланди. Отажон ака менга қайси мамлакат ютишига тарафдорсан деди. Мен Франция ютишини тарафдориман дедим. Отажон ака

Бразилия тарафдори бўлиб гаров ўйнадик. Гаровда ютқазган шу кунги тўйдан тушган ўзи оладиган улушни ютган мамлакат тарафдорига бериш билан шартлашдик. Шу куни мен танлаган Франция командаси ютди. Келишганимиздек, Отажон ака тўйдаги ҳақни икки баравар қилиб менга бердилар. Бу унинг ўз лафзида туриши, тантилиги ва бир сўзлилигидан далолат эди.

Қорақалпоғистоннинг Шуманай туманидаги бир овулда бўлган тўй беш соатга чўзилиб кетди. Кетидан хизматда юрганларга ҳам икки соатча ашула айтиб бердик. Жуда чарчаб, чолғу асбобларни йиғиштириб, машиналарга жойлаб, энди жўнаймиз деб турганимизда, тўйда самовар қайнатиб, хизмат қилган чойхоначи отахон қўлидаги уч сўм пулни раққосага узатиб, Отажон болам мен самовар ёнида хизматда бўлиб сени ашулаларингини эшита олмадим. Шу пулни ният қилиб тутаяпман. Шунини олиб, чолғу асбобисиз бўлса ҳам икки қатор ғазал хиргойи қилиб берсанг рози бўлар эдим, деб илтимос қилди. Тўғриси ҳалиги чолга бақариб юборишимизга сал қолди. Отажон ака бўлса бизни тўхтатиб, “қани ҳаммаларинг чолғуларни олинглар!” дедилар ва шу ерни ўзида туриб Савти Сувора ва битта ялла айтиб, ўйинчини ўйнатиб, самоварчини уч сўмини олиб, ўрнига юз сўм чиқариб бердилар. Ҳалиги отахон пулни олмасдан дод керак эмас, деб кета бошлади. Отажон ака уни тўхтатиб, ушбу пул сизни бизга дамлаган чойингиз ҳаққи деб миннатдорчилик билан чолни чўнтагига ўзлари солиб қўйдилар. Бир ҳафтадан кейин яна шу кишлоққа тасоддифан тўйга бориб қолсак, на фақат кишлоқ балки, бутун туман Отажон акани олдинги тўйдаги олийжаноблиги ва саховатлилиги ҳақида меҳр билан гапиришиб юришган экан.

1990 йили Отажон ака Хивада Ичон қалъадаги уйимизга келиб “Матрасул бу уйинг яхши, лекин йигит киши умрида бир иморат қуриши керак. Хивани баҳаво жойидан иморат қуриш учун ер ўрни ол” деб маслаҳат бердилар. Мен қандай уй қураман, вақтим йўқ-ку, десам ҳам қўярда-қўймай мени кўндирдилар. Охири Ғовук кўл мавзесидан жой ўрни олдим ва уни Отажон акага айтдим. У жуда хурсанд бўлиб, бу қилган ишингга мени совғам бор, деб чўнтагидан тўй рўйхатлари ёзилган дафтарчани чиқарди. Биргалашиб санасак эллик учта тўй экан. Отажон ака жуда содда эдилар. Чунки мен ўша рўйхатни кўрсам биринчи тўй Қаршида бўлса, иккинчиси Чимкентда, учинчиси Ташҳовузда ва шу тарзда узоқ-узоқ масофаларда эди. Мен устозга буларни масофаларини ҳисобладингизми деб сўрасам? У бир инсон қанча орзу-умидлар билан мўлтираб тўйга таклиф қилиб турса мен қандай қилиб йўқ дейман? Яхшиси, мени янги ГАЗ-24 машинамни сен шофер сифатида ҳайдайсан ва ҳам қўшнайки сифатида икки ҳақ оласан. Бу сени қурадиган иморатингга мени совғам бўлади, дедилар. Ҳақиқатан ҳам тўйларда ҳам ҳайдовчи, ҳам созанда (қўшнайки-сурнай) сифатида хизмат қилдим. Ҳар бир тўйхонага бориб тўхташимиз билан “Матрасул овқат келгунича бир пас тиззада ухлаб ол” дердилар. Даврага чиққанларидан кейин бир-биримизга илхом бериб, қандай қилиб авж пардаларда ижро қилаётганимизни ҳам билмай қолардик. Бундай кўп йиллик ижодий

ҳамкорлик бизни жуда яқинлаштирган эди. Айниқса гоҳи пайтларда ашула ижроси жараёнида Отажон ака икки пауза (ашула муқаддимаси, куй жумласи) ўрнига учта пауза чалган пайтида мен дарҳол қўшнай чалишдан тўхтаб, ҳеч кимга сездирмаган ҳолда ашула сўзини айтиб юборар эдим (йиллар давомидаги ҳамкорлигимиз натижасида устоз куйлайдиган ашулалар сўзлари менинг ёш хотирамда сақланган эди). Шунда Отажон ака сўз эсимдан чиққанлигини қаердан билдинг деб сўрадилар. Мен эса ички ҳиссиётим билан сезганлигимни айтардим. Шунда устоз мени янада алқаб “Ана шунақа, ҳамнафас, жўрनावоз дегани ижро пайтида ашулачи билан бир тан, бир жон бўлиб уни ичида яшаши керак” деб менга миннатдорчилик билдириб қўяр эдилар.

1990 йилларнинг охирларида орамиздан ҳеч гап, сўз ўтмаган бўлса ҳам Отажон ака мени йўқламай қўйдилар. Бир йилча ҳеч қандай хабар бўлмади. 1991 йилнинг ёзида Ичон қалъадаги уйимизга устознинг ўзлари кириб келдилар ва остонада туриб, мени кечирсанг ичкарига кираман, кечирмасанг шу ердан қайтиб кетавераман, дедилар. Мен устоз шогирддан кечирим сўрамайди, дедим. Ҳақиқатан ҳам тўрт республиканинг халқ артисти давлат мукофотининг лауреати устоз санъаткор эшигимга келиб туришининг ўзи, яна кечирим сўраши мени довдиратиб қўйган эди. Устоз ичкарига кириб ўтириб, Матрасул бизни биргаликда чиройли соз қилиб юрганимизни кўра олмайдиган одамлар ҳам бор экан. Шулар мени ҳар-хил гаплар билан чалғитиб қўйишди. Сен бўлмаган пайтларингда ансамблимга ғижжак ҳам, най ҳам, ҳатто бошқа қўшнайчини қўшиб чалдириб ҳам кўрдим. Лекин сени ўрнингни боса олмади. Агар узримни қабул қилган бўлсанг юр, ҳозир Ўзбектелефильм мени кинога ёзаяпти. Тарихда қоладиган бир иш қилайлик деб, мени Хоразм телевидениесига овоз ёзиш учун олиб кетдилар. Шу кунни бир ёзишда ўн тўрт ашулани бир тўхтамасдан ёздик. Яна Хива тумани Огаҳий жамоа хўжалигининг Огаҳий номидаги боғида ҳам бешта ашулани фильмга олишди. Шу билан биргаликдаги ижодий фаолиятимиз яна тикланди.

Отажон ака 1944 йил 4-октябрда туғилганлар. Биз ҳар йили 3-октябрда Тошкентдаги уйида, 4-октябрда Тўрткўлдаги уйида нишонлар эдик. Ҳар икки жойда ҳам бу тадбир тўйга айланиб кетар эди. Бу тадбир учун ҳеч кимга айттириб юбориш шарт эмас, биладиган дўсту-ёрлар ва шинавандалар ўзлари йиғилишиб келишар, чунки шу кунлари иккала уйда ҳам тараддуд кўрилар эди.

1994 йил 4-октябрда Тўрткўл шаҳрининг маданият саройида Отажон Худойшукуровни эллик ёшга тўлиши муносабати билан жуда катта тантанали маросим ўтказилди. Отажон устозни шогирдлари тўрт ярим соат хизмат қилишди. Концерт бошланишидан олдин устоз мени чақириб, шогирдлар жуда кўп, ҳар бирисига иккита ашуладан навбат берасан, деб топширдилар. Айтганларини қилиб вақтдан ютиш учун шунча қизғансак ҳам тўрт ярим соат чўзилган қонцертни бутун йиғилган халқ қимирламасдан

мириқиб томоша қилишди. Концертдан кейин устознинг ҳовлисида катта тўй уюштирилиб, халққа ош тортилди.

Отажон ака кейинги пайтларда нимагадир шошилгандай иш қилардилар Бунинг сабабини эса касал бўлиб қолганларидан кейин билдим. У жуда кўп даволанди. Барча шинавандалар, бутун халқ севимли ҳофизини соғайиб кетишини чин дилдан, самимий тилар эдилар. Аммо шум ажал устозимизни 1994 йил 22 декабрда орамиздан олиб кетди.

Мен Отажон акам билан ҳамкорликда ижод қилган йилларимни созандалик фаолиятимнинг энг гуллаб-яшнаган даври деб биламан. Унинг хотираси умрбод ёдимизда. Устознинг охирати обод бўлсин.

(28 май Ўзбекистон давлат консерваториясидаги мулоқотдан ёзиб олинди)

Отажон Худойшукуров ва унинг мақом ижрочилиги

Отажон Худойшукуров ашулаларининг мухлиси ва оддий бир талаба сифатида унинг ижодини анча кузатиб, уларга яқин одамлар билан кўп мулоқотда бўлдим. Аудио ёзувларини тинглаб, Видео ёзувларини томошабин сифатида ижодини ўрганишга, қўшиқларини куйлашга ҳаракат қилдим.

Ушбу курс ишида ҳофиз ижодининг ҳали тўлиқ ёритилмаган қирраларидан бири уни куй яратувчилик яъни, бастакорлик ижодига баҳоли қудрат қисқача назар ташлашга ҳаракат қилдим.

Назаримда Отажон Худойшукуров ижодий фаолияти давомида ижро этган ва яратган асарларни шартли равишда шундай тақсимлаш мумкин.

- Достон йўллари
- Мумтоз ашулалар (Мақом ва суворийлар)
- Ўзи яратган асарлар

Достон қўшиқларини биринчи бўлиб қўйилганининг боиси Хоразм ва умуман Амударё қуйи оқимидан етишиб чиққан хонандалар ўз ижодининг дастлабки босқичида ашулачилик фаолиятини шундан бошлашади. Хоразм достончилиги ўзига хос бир мактаб бўлиб, Марказий Осиё ҳудудида бундай достончилик мактабининг қиёси йўқ. Ушбу мактаб бахшилари достон матнини ҳикоя тарзида, шеърларини эса очик овозда, қўшиқ шаклида (дутор ёки тор,буломон ёки ғижжак, доира) кичик ансамбл жўрлигида ижро этишади. Мумтоз ашула ва мақомлар сарой муҳити ва уни тинглашга тайёргарлиги бор хос мухлисга мўлжалланган бўлса, достон қўшиқлари биринчи навбатда шеъри бармоқ вазнидаги, барчага тушунарли, куй жумлалари ҳам унча мураккаб бўлмаган мотивлардан тузилган, доира усуллари оддий лекин ривожланиб, майдаланиб, жўшқинлашиб борувчи

қўшиқ, кенг овоз қўламини талаб қилмайдиган асарлардир. Улар шакли жиҳатидан ихчам, ўйноқи, авжлари унча баланд бўлмаган ва ўртача мураккабликдаги қўшиқлар бўлиб, бошловчи хонандалар учун дастлабки пағона вазифасини ўтаган. Отажон ака ҳам бундан мустасно эмас албатта. Унинг етмишинчи йиллари пластинкаларга дарж этилган «Гўрўғли» достонидан Оға Юнус Пари тилидан айтилган:

Жонима ўт солди айролиқ ғами,

Ёрни маннан мани ёрдан айирди.

Энди қона дўнди кўзимнинг нами,

Ёрни маннан мани ёрдан айирди.

қўшиғи ўша даврнинг каттаю кичик шинавандалари ёдида муҳрланиб, каерда юрса ҳам хиргойи қилинадиган оҳанглардан бири бўлиб қолди. Ёки шундан сал кейинроқ Ошиқ Ғариб ва Шоҳсанам достонидан:

Гўрдим икки пари галар,

Галар саллона- саллона.

Ошиғининг кўнглин олиб,

Галар саллона – саллона.

номаси авж пардаларидан «О – Ҳой» ҳанги билан бошланиб нақаротлари даромадда қайтирилади. Хусусан Отажонга эргашадаган, яъни яхши маънода унга тақлид қилувчи ёшлар «саллона» сўзидаги «С» ҳарфини Отажон акага ўхшатиш учун «Ш» симон қилиб айтишарди (чунки О.Худойшукуровда худди шундай талаффуз мавжуд эди). Шунингдек, Нажаб Ўғлон достонидан «Кимни севар ёрисан», Баҳром ва Гуландомдан «Айролиқ, Авазхондан Бахши Мухаммасига айтилган «Қаландарим» қўшиқларидаги эҳтирос, шижоат ва жўшқинлик ижрочининг достон мазмунини чуқур билиши, бундай қўшиқларни унутилмас ва тингловчилар қалбидан чуқур жой олишига муҳим омил бўлган десак янглишмаймиз.

Достон куй ва қўшиқлари уларнинг усуллари ва услубларини яхши билган хонанда шу асосда яратилган Ҳожи Абдуллазиз Абдурасулов ижодига мансуб Бозургоний, Қўшчинор, Гулузорим шунингдек, Курд Эшвойи, Самарқанд ушшоғи, Тошкент Ироғи каби асарларни меъёрига етказиб ижро этди. Бунинг натижасида унинг хонандалик ижоди табиийи равишда тобора сайқалланиб, ривожланиб борди.

Ўтган асрнинг 70-90 йилларини Отажон ижодининг энг гуллаган даври десак хато бўлмайди. Бу вақтга келиб йирик ашулалардан Хоразм Суворалари ва Феруз туркумларини ўрганиб, ижро этиб элга манзур қила олди. Айниқса Хоразм Сегоҳ мақомидан «Тани мақом»ни меъёрига етказиб айтгани Отажон қўшиқчилик ижодининг гултожи деса бўлади.

Отажон Худойшукуровнинг айнан мақом ижрочилигига келадиган бўлсак: Хоразм Сегоҳ Мақомидаги Тани Мақомни Ҳазрати Мир Алишер Навоийнинг

Ҳолу ҳатинг ҳаёлидин эй сарви гул узор,

Гаҳи кўзумга хол тушубдур, гаҳи губор.

Деб бошланувчи ғазали билан айтган. Маълумки, Отажон ака бу ашулани дастлаб Ўзбекистон халқ артисти Ҳожихон Болтаевдан, Ўзбекистон, Туркменистон ва Қорақалпоғистон халқ артисти Комилжон Отаниёзовдан ва бевосита устози Назирқоридан эшитиб ўрганган. Отажон аканинг ижросига синчковлик билан назар соладиган бўлсак, бу ерда айтиб ўтилган устоз санъаткорларнинг барчаларининг ижро услублари омукта бўлганлиги ҳамда Отажон аканинг ижро усули ҳам борлиги яққол билинади.

Хоразм Бузрук мақоми сафига кирувчи Насруллои ашуласи эса Шерозий ғазали, Собир Абдулла таржимаси билан:

Агар кўнглимни шод этса ўшал Шерози жаноним,

Қаро холингга баҳш этгум Самарқанду Бухорони.

Деб бошланувчи ғазал билан айтган. Бу ижроларнинг гарчи Республика Узтелерадио ҳазинасига дарж этмаган бўлсада, даврадаги ижроларидан шуни айтишимиз мумкинки бу ижроларнинг барчаси устозона услубда бекаму-кўст айтилган.

Бундан ташқари Танимаком Дугоҳ, Чоргоҳ, Суворийлардан деярли барчасини ижро этган. Бу ижролар мукамал булиб, биз талаба ёшлар учун ҳозирги кунда дастурул амал булиб ҳизмат қилади.